O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 24 апрель, № 82 (4492) Пайшанба

# ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22-23 апрель кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди.**



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Қозоғистон Республикасига ташрифининг иккинчи куни — 23 апрелда Президент Нурсултон Назарбоев ҳамроҳлигида Остонадаги MEGA савдо марказига ташриф буюрди. Яқинда қурилган ушбу марказда савдо шохобчалари, боулинг, стол тенниси каби спорт ўйинлари бўлимлари, кинотеатр бор.

Президент Ислом Каримов Қозоғистон раҳбари билан бирга Нейрохирургия марказига борди. Ушбу муассаса фаолияти билан танишув чоғида беморларни даволаш, операция қилиш, шифокорлар учун яратилган шароит, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалалари билан қизиқди. Ўзбекистонда тиббиётнинг бир неча соҳаси бўйича ихтисослаштирилган марказлар ташкил қилинганини таъкидлаб, бу борада ҳамкорликни кенгайтириш ва тажриба алмашиш икки мамлакат манфаатларига мос бўлишини қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди. Ушбу ташриф натижалари нафақат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда, балки, умуман Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Остона учрашувларида эркин савдо тўғрисидаги битим ишлаб чиқишга келишиб олинганини таъкидлаш жоиз. 2007 йилда ўзаро савдо ҳажми 63 фоизга ошди, лекин бу кўрсаткич икки томонни тўла қаноатлантиради, деб бўлмайди. Масалан, экспорт-импорт операцияларининг 80-90 фоизи 4-5 турдаги хом ашё маҳсулотлардан иборат. Ваҳоланки, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзининг экспорт салоҳияти билан савдодаги товарлар хилма-хиллигини бир неча карра орттиришга қодир. Шунингдек, товар айирбошлаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш зарур. Бу учинчи давлатлардан харид қилинадиган маҳсулотларни икки томонлама савдо доирасига киритиш имконини ҳам беради.

Ташриф асносида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев минтақавий хавфсизлик масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўз нуфузи ва салоҳияти билан бу борадаги кўплаб масалаларни биргаликда ҳал этиши мумкин. Бу йўналишдаги ҳамкорлик минтақада барқарорликни, авваламбор, иқтисодий тараққиётни таъминлашга, қолаверса, маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон пойтахтлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Остона шаҳри ҳокими Имангали Тасмагамбетов билан бўлган учрашувида бу борадаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Қозоғистон жамоатчилиги Ўзбекистон Президентининг ташрифига катта қизиқиш билдирди. Мамлакат оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон раҳбарининг ташрифини кенг ва батафсил ёритиб борди. Хусусан, "Егемен Қазақстан" ва "Экспресс-Казахстан" газеталарида ташриф ҳар томонлама фойдали ва самарали бўлгани, Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон учун долзарб аҳамиятга эга кўплаб масалаларни муҳокама этгани алоҳида таъкидланди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**
Тошкент — Остона — Тошкент.

*Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш орқали уларнинг халқаро бозорда рақобатбардошлигига эришиш мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.*

# МАҚСАД — МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШ

**Халқаро форум**

Шундан келиб чиқиб, юртимизда бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Мисол учун, "Ўзстандарт" агентлиги таркибидаги республика Синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан ишлаб чиқариш субъектларига метрология, синов ва сертификатлаш бўйича турли хизматлар кўрсатилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлиги тўғрисида" ги қонунлари ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Кеча Тошкентда "TQM Uz" — сифат бўйича халқаро форум иш бошлади. "Ўзстандарт" агентлиги, республика Савдо-саноат палатаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Менежерлар ва сифат бўйича аудиторлар халқаро уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Россия, Германия, Эрон, Қозоғистон, Жанубий Корея, Буюк Британия, Туркия, Филлипин каби давлатлардан соҳа мутахассислари, олимлар, давлат бошқаруви идораларининг ходимлари, шунингдек, йирик корхоналарнинг менежерлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбир доирасида "2007 йилнинг энг яхши менежери" кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

**Ҳ. САИДОЛИМОВ.**

*Кеча пойтахтимизда "Электрон ҳужжат айланиши инфратузилмаси ва хизматларини ривожлантириш ҳамда электрон рақамли имзони қўллашга доир долзарб муаммолар" мавзуида учинчи Халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади.*

# ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ахборот технологиялари бўйича федерал агентлик (Россия) ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нуфузли анжуманда Ҳамдўстлик давлатларининг соҳа мутахассислари, маҳаллий ва халқаро илмий муассасалар вакиллари, экспертлар, чет эл ҳамда мамлакатимиз йирик компания ва ташкилотларининг аъзолари иштирок этмоқда.

**Анжуман**

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратаётган алоҳида эътибори туфайли мамлакатимизда электрон ҳужжат алмашинуви инфратузилмаси тобора такомиллашиб, хизматлар доираси ҳамда қамрови кенгаймоқда. Юртимизда электрон ҳужжат юритиш ва рақамли электрон имзонинг ҳуқуқий асослари яратилгани, электрон ҳужжат 2003-2004 йилларда қабул қилинган тегишли қонунларга кўра, юридик кучга эга бўлгани бунинг далилидир.

Электрон ҳужжат давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро алоқаларида қўл келиши билан ҳам аҳамиятлидир. Бундан ташқари, у хизмат кўрсатиш ва маҳсулот айирбошлаш борасида электрон савдони амалга оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бироқ электрон ҳужжат юритишда эришилган ютуқлар қаторида ҳал этилиши керак бўлган, дейлик, унинг инфратузилмаси ва хизмат кўрсатишини шакллантиришда ташкилий, ҳуқуқий ва технологик муаммолар ҳам мавжуд. Шундан келиб чиқиб, конференцияда электрон ҳужжат юритиш жараёнларини кенгроқ жорий қилиш, бу жараённи жадаллаштиришга доир масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, рақамли электрон имзодан фойдаланишни такомиллаштириш ва аниқлаштириш, тизимдаги илғор тажриба ва ютуқлар билан танишиш, давлатлараро тажриба алмашиш бўйича келишувларга эришиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Конференция 25 апрелгача давом этади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОНА-ЕР — ФАРОВОНЛИГИМИЗ МАНБАИ

***Ер — тирикчилигимиз асоси, рўзғоримиз таянчи, фаровонлигимиз манбаи. Шу билан бирга, унга фақат ҳосил, неъмат манбаи деб қараб, нуқул шуларни талаб қилаверсак, ер ҳам, бамисоли одамдай, ҳолдан тояди, зўриқади, тупроқ ўз унумдорлигини йўқота бориб, ҳатто турли касалликларга чалинади.***

Шу боисдан деҳқончиликнинг муҳим шартларидан бири ерни қадрлаш, эъзозлаш, уни соғломлаштириб, таркибини бойитиб боришдан иборатдир. Буни илмда ва амалиётда «мелиорация» деган лотинча сўз билан ифодалашади. Бизнинг тилимизда эса ернинг табиий шароитларини тубдан яхшилаб, деҳқончиликка мослаш ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар тизими, деган маънони англатади.

Мустақиллик даврида ер ҳақиқий миллий бойлигимизга айланди. У халқимизнинг турмуш фаровонлиги учун ишлай бошлади. Энди биз бу ноёб, нодир, азиз бойлигимизни қадрлашимиз, уни авайлаб-асрашимиз, ҳосилдорлиги, самарадорлиги устида ўйлашимиз ва

**Бизнинг шарҳ**

жон куйдиришимиз ҳам зарур. Бу — бизнинг бурчимиз.

Айнан шундай хулосалардан келиб чиққан ҳолда, Президентимиз шу йилнинг 9 февралида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида 2008 йил ва ундан кейинги йилларда ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш қишлоқдаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади.

Масаланинг бундай тарзда қўйилишига яна бир жиддий сабаб ҳам бор. Гап шундаки, ҳозирги кунда мамлакатда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғини турли даражада шўр босган, айрим ҳудудлардаги ерларда ер ости сувларининг кўтарилиши юз бермоқда. Бунинг оқибатида ер бонитети сўнгги йилларда 55 баллгача пасайганлиги кузатилмоқда. Шунингдек, фермер хўжаликларига қарашли суғориладиган ерларнинг 16 фоизидан кўпроғи қониқарсиз ҳолатдадир.

Хуллас, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш учун мавжуд суғориладиган майдонларни тўлатўкис соғломлаштиришни, тупроқ унумдорлигини таъминлашни, шу асосда экинларнинг ҳосилдорлигини ошириб боришни ҳамда мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини takомиллаштиришни ҳаёт долзарб масалалар сифатида кун тартибига қўймоқда. Шуни ай-

(Давоми 2-бетда).

**Хушхабар**



*Осиё чемпионлар лигасида илк бор иштирок этаётган "Қурувчи" жамоаси мазмунли ўйинлари билан ишқибозларни хушнуд этмоқда.*

# Икки ўйин, икки ғалаба

Кеча Миржалол Қосимов шогирдлари пойтахтимиздаги МҲСК стадионида Суриянинг "Ал-Иттиҳод" жамоасини қабул қилди. Учрашувнинг бошидан ташаббусни ўз томонларига оғдириб олиш мақсадида футболчиларимиз рақиб дарвозаси томон кескин ҳужумлар уюштиришди. Лекин рақиб ҳимоячилари ҳам анча ишончли ўйин намойиш этишди. Биринчи бўлимнинг 30-дақиқасида Улуғбек Бақоевнинг маҳорат билан ошириб берган тўпини Темур Копадзе чиройли усулда дарвозага йўллади — 1:0.

Иккинчи бўлимда ҳам иккала жамоада дарвозага тўп киритиш учун бир неча имкониятлар бўлди. Аммо ҳисоб ўзгармай қолди. Муҳими, "Қурувчи" 9 очко билан гуруҳда пешқадамликни сақлаб қолди.

Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Пахтакор" эса сафарда Ироқнинг "Арбил" жамоасига қарши майдонга тушиб, 5:1 ҳисобида йирик ғалабага эришди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Бухоро шаҳрида анъанавий «Ҳамшира» танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган ҳамширалар иштирок этдилар.**

## Ҳамшираларнинг республика танлови



Қатнашчилар дастлаб Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида амалий қисм бўйича касб маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Шундан сўнг Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройида кўрик-танловнинг иккинчи қисми ўтказилди. Ҳамширалар ўзни таништириш, назарий савол-жавоб, ижтимоий-сиёсий билимдонлик, эркин мавзу шартлари бўйича беллашдилар. Уларнинг ҳар бир чиқишлари томошабинлар олқишларига сазовор бўлди. Пировардида ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин мезбонлар вакили — Қоровулбозор тумани марказий шифохонасининг реанимация бўлими ҳамшираси Нигина Файзуллаевага насиб этди. Нигинага бош соврин — «Матиз» автомашинаси калити топширилди. Иккинчи ўринга Тошкент вилояти вакили Малика Мақсудова, учинчи ўринга эса Тошкент шаҳри вакили Раъно Холматова муносиб деб топилди.

Учала ғолибга тиббиёт институтларида ўқиш имтиёзи берилди. Кўрик-танлов иштирокчиларига ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Қорақалпоғистондаги 4 та қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи мақсадли лойиҳа бўйича Япония халқаро банки кредит йўналишига киритилган эди.**

## Пухта билимга ёрдам

Шу асосда Нукус қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига 1 миллион АҚШ доллари миқдорида турли ускуналар ўрнатилиб, ўқув лабораториялари ва фан кабинетлари замон талабларига мос жиҳозланди.

Шу муносабат билан коллежда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар имтиёзли кредит асосида келтирилган ветеринария мутахассислиги ўқув-лаборатория асбоб-ускуналаридан махсус фан ўқитувчилари ва касб-ҳунар таълими усталарининг самарали фойдаланиши масаласига бағишланди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Шинам ва кўркам

**Навоий вилояти марказида замонавий тураржойлар қурилишига киришилди. Янгидан бунёд этилаётган 18-«Б» кичик туманида тўққизта кўп қаватли бино бунёд этилади.**

«Havay FSK» МЧЖ қурувчилари эса эски буюм бозори ўрнида 78 оилага мўлжалланган уй-жой қурилишини бошлаб юбордилар.

Бу катта ҳажмдаги қурилиш объектларини бунёд этиш учун жамият ўз маблағи ҳисобидан, шунингдек, тижорат банкларидан олинадиган кредит ҳамда уй-жойга эҳтиёжманд аҳоли маблағларидан фойдаланади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Қаршида «Эзгулик» деб ном олган аёллар маркази иш бошлади. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ аҳолишунослик жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилган бу хайрия муассасаси фаолиятининг асосий йўналиши аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлашдан иборат.*

## «Эзгулик» — аёллар маркази

Марказда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказишга қаратилган тадбирларни ўтказиш, қизларга касб-ҳунар ўргатиш учун барча шароит яратилган. Ҳаётда, оилавий муносабатларда муаммога дуч келган аёлларга руҳий мадад ва ҳуқуқий маслаҳат бериш учун малакали мутахассислар, кўпни кўрган нуроний онахонлардан иборат фаоллар гуруҳи иш олиб боради.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Бир рақам шарҳи**

# ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ БАРҚАРОР ЎСМОҚДА




**Президентимиз томонидан шу йил 8 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли шундай юқори натижага эришилди.**

*Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси 1993 йилда қабул қилинган. Ўтган давр ичида унга айрим таҳририй ўзгартишлар киритилган. Ҳаёт шитоби тез. Давр эврилишлари бошқа соҳалар қатори бу соҳа қонунларига ҳам муайян ўзгартишлар киритишни талаб этмоқда.*

*Жумладан, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Қонунга кўра, айрим моддалар янги таҳрирда берилди, баъзи моддаларга эса қўшимчалар киритилди.*

▼ Парламент ҳаёти

# ПАРВОЗНИНГ ҲАМ ҚОИДАСИ БОР

Айтиш лозимки, қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида авиация парвози асосий қоидалари ўрин олмоқда. Аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, авиациянинг учиш ишларини ташкил қилиш, таъминлаш ва амалга ошириш бўйича фаолиятига дахл қилмаган ҳолда, ҳудуддан фойдаланиш тартиби ўрнатилмоқда. Бу эса, авиация фаолиятининг тартибга солинишида муҳим аҳамиятга эга жиҳатлардир.

Бугунги кунда мамлакатимизда амал қилиб келинаётган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвоз қоидалари” ва “Ўзбекистон Республикаси давлат авиациясида парвоз қоидалари” идоравий ҳужжатлар ҳисобланади. Лекин бу ҳужжатларда ҳаво кемаларининг аҳоли пунктлари устидан учиши, фавқулодда ҳолатлар юз берган ҳудудларда парвоз қилиши, намойиш парвозларида учиш ҳамда фавқулодда ҳолатларда радиоалоқаларни олиб бориш тартиблари қамраб олинмаган. Авиациянинг барча идоралари, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланувчи чет эл авиация ташкилотларининг фаолиятларини тартибга солиш, парвозларни таъминлаш ва бажариш учун эса Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида авиация парвозининг асосий қоидалари жуда зарурдир.

Кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг яна бир муҳим жиҳати, бу кодекснинг халқаро стандарт талабларига мослаштирилишидир. Шу сабабли, Ҳаво кодексининг айрим моддалари ИКАО стандартлари талаблари ва тавсия қилинаётган амалиёт билан мослаштирилди. Таъкидлаш жоизки, амалдаги Ҳаво кодексида фақат бошқа давлат томонидан берилган ҳаво кемаси тури сертификатини тан олиш масалаларигина келтирилган, ҳаво кемаси турини сертификатлаш талаблари эса аниқ кўрсатиб берилмаган эди.

ИКАО стандартлари ва тавсия қилаётган амалиётига асосан, чет давлатлар билан ҳаво қатнови тўғрисидаги халқаро битимларга мувофиқ, ҳаво қатновлари Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти белгилаган қоидаларга биноан, тайинланган авиаташувчилар томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда. Мазкур Қонун моддаларига бундай тўлдиришларнинг киритилиши мунтазам халқаро қатновларни бажарувчи авиакомпанияларни тайинлаш зарурати ва тартибини қонуний белгилаш имконини беради. Қонунда аэродромлар таснифининг жорий таҳрири ИКАО стандартлари ва тавсия қилган амалиётига мувофиқлаштирилди.

Киритилган ўзгартишларнинг яна бири, ИКАО стандартлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидаларида “Учишга яроқлилик тўғрисидаги шаҳодатнома” тушунчаси “Учишга яроқлилик сертификати” деган сўзлар билан алмаштирилганлиги сабабли қонунда ҳам шундай ёндашув қўлланилди.

Хорижий давлат томонидан берилган учишга яроқлилик сертификатини тан олиш масаласи бўйича қўшимча қисмнинг киритилиши эса халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг 33-моддаси талабларини бажариш зарурати билан боғлиқдир.

Қонунда “Эксплуатант шаҳодатномаси” тушунчаси ҳам ИКАО стандартларидан ва шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларидан чиқарилганлиги учун халқаро стандартлар талабларига мувофиқ “Эксплуатант сертификати” деган тушунча билан алмаштирилди. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатнинг номига киритилган ўзгартиш Авиация маъмурияти томонидан бериладиган ҳужжатларнинг номларини бир хиллаштириш мақсадида ҳам қилинмоқда.

Ҳаво кодексига мувофиқ, бу ҳужжатдан ташқари аэродром сертификати, ҳаво кемасининг турига ҳамда учишга яроқлилик каби сертификатлари берилади. Кодексда, қонунчилик техникасида баён этишнинг умумий қоидаларига мослаштирилиб, эксплуатант сертификати амал қилишининг тўхтатиб қўйилиши тўғрисидаги қарорлар устидан судга арз қилиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилди. Шу билан бирга, фуқаро авиацияси объектларининг (ўқув юртлари, аэродромлар ва бошқалар) сертификатлаш бўйича барча авиацион қоидалар Авиация маъмурияти томонидан тасдиқланиши керак деб ҳисобланади. Кодексга киритилган қўшимчалардан яна бири, бу — янги $53^1$-модданинг ўрин олаётганидир. Бу модда орқали, фуқаро авиацияси соҳасида хизмат қилаётган малакали мутахассисларни соҳада сақлаб қолиш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, уларни етарли даражада ижтимоий муҳофаза қилиш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Авиация соҳасида хизмат қилаётган ходимлар белгиланган коржомаларини кийиб юришлари лозимлиги ишлаб чиқариш ҳамда халқаро стандартлар талабидир. Шу сабабли, фуқаро авиацияси корхоналари авиация ходимларининг алоҳида тоифаларини улар лавозим вазифаларини бажараётган вақтда белгиланган намунадаги иш кийими ва овқат билан таъминлашлари шарт. Шунингдек, фуқаро авиацияси корхоналари авиация ходимларига фойдаланилаётган ҳаво кемаларида имтиёзли юриш ҳуқуқи қўллашлари ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда маблағ корхона ҳисобидан қопланиши ва хизматчиларга солинадиган солиқларга таъсир этмаслиги эътиборга олиниши керак.

Янги ўзгартишлардан яна бири, бу — рўйхатдан ўтказилган қўл юки ташишга қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан то у қабул қилувчига етказиб берилгунига қадар унинг йўқолганлиги, камомад ёки унга етказилган зарар учун ташувчи жавобгар бўлиши аниқ кўрсатилганидир.

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига киритилган бу ўзгартишлар мустақил юртимизда авиация соҳасининг янада ривожланишига ҳамда фуқароларимизга замон талабларига мос хизмат кўрсатишлари учун ҳуқуқий асос бўлишига ишончимиз комил.

**Ражапбой РЎЗМЕТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Она-ер — фаровонлигимиз манбаи

(Давоми. Боши 1-бетда).

тиб ўтишимиз керакки, бу масалалар давлатимиз раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Шу маънода, айниқса, Президентимизнинг 2007 йилнинг 29 октябрида имзоланган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 5 ноябрдаги «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида диққатга сазовордир.

Ҳозирги кунда ана шу давлат ҳужжатлари асосида мамлакатда катта кўламдаги ишлар бошлаб юборилди.

Президентимиз Фармонига биноан, аввало, 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича махсус Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Бу Дастурда мамлакатда янги мелиоратив иншоотларни барпо этиш, мавжудларини сифатли реконструкция қилиш ва таъмирлаш, шунингдек, мавжуд мелиоратив техника паркини янгилаш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, Президентимиз Фармонига биноан, Ўзбекистон Молия вазирлиги қошида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарма еримизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ кенг кўламдаги ишларни бажаришга йўналтирилган жамики маблағларни тўла ҳажмда ўз ҳисобварағида жамлайди. Шунингдек, тасдиқланган узоқ муддатли ва ўрта муддатли Давлат дастурларига мувофиқ, мелиорация ишларини, магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини мукаммал ҳамда жорий таъмирлашни йўлга қўйиб, бу ишларни тизимли асосда аниқ, мақсадли молиялаштиради.

Яна бир муҳим вазифа — ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали уларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига давлат мададини кўрсатади.

Айни кунларда мазкур Жамғарма ўз зиммасига юклатилган бундай масъулиятли вазифалар ижросига фаол киришди.

Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, ҳозирнинг ўзида Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида, Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг 9 та туманида суғориладиган ерларни деҳқончиликка яроқли ҳолга келтириш учун қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик шартномаларига эришилди. Шунингдек, Жанубий Қорақалпоғистон ҳудуди бўйлаб дренаж тармоғини ўтказиш бўйича лойиҳани амалга ошириш ва Марказий Фарғонадаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Жаҳон банки ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг умумий қиймати деярли 70 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредити жалб қилинди.

Умуман айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини рўёбга чиқариш учун 604 миллиард сўм ҳажмда маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Шунинг ҳисобидан 2008 йил учун белгиланган ишларга 75 миллион сўм маблағ сарфланади. Мазкур маблағнинг 35 миллиард сўми мелиоратив техника паркини янгилашга, 25 миллиард сўми мелиоратив иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишга, 15 миллиард сўми эса мавжуд иншоотларни жорий таъмирлаш ва тиклашга ажратилади.

Жорий йилда 25 км. магистрал, 926,2 км. туманлараро, 22883,8 км. хўжаликлараро зовур-дренаж тармоқлари таъмирланади. 169 дона мелиоратив насос станцияси, 3426 дона назорат қудуғи, 1896 дона мелиоратив қудуқ, 122 та сув ўлчаш нуқтасини жорий ва капитал таъмирлаш, 599 дона ўтиш жойида қувурларни қайта ётқизиш ишлари амалга оширилади.

2008 йилдаги асосий вазифалардан яна бири шуки, республика бўйича мелиорация ишларига ихтисослаштирилган 49 та пудрат ташкилоти ташкил этилмоқда. Улар 598 дона экскаватор, 115 дона бульдозер, 83 дона ёпиқ-очиқ дренаж тармоқларини ювиб тозаловчи агрегат, 238 дона дала вагони, 46 дона трайлер, 48 дона тортувчи трактор, 24 та юк кўтариш машинаси, 45 дона ёнилғи ташувчи трактор, 33 дона юк ташувчи ва 17 дона енгил автомашина билан таъминланади.

2008-2012 йиллар давомида, пировардида, мамлакатимизда умумий узунлиги 3,5 минг километрдан зиёд бўлган магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро коллекторларни, 1000 дан ортиқ мелиорация қудуғини барпо этиш ва реконструкция қилиш, 7,6 минг километрлик дренаж тармоғини қайта тиклаш ишлари амалга оширилади.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган улкан миқёсдаги ишлар, умуман, Президентимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида қишлоқда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг муҳим таркибий бир қисмидир. Бундай ислоҳотлардан кўзланган мақсад эса битта: халқимизнинг, шу жумладан, бевосита қишлоқ жойлардаги аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги меҳнат самарадорлигини оширишдан иборатдир.

**А**гар қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланишини, республикамиз ички бозорининг ривожланишида унинг салмоқли ўрни борлигини инобатга олсак, бунинг устига, Ватанимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқларда яшашини назарда тутсак, қишлоқдаги ҳаёт ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш ва муҳофазалашга қаратилган ислоҳотларнинг тобора чуқурлашишидан ва уларнинг улкан натижаларидан ҳаммамиз катта манфаатдормиз.

**Михли САФАРОВ,**
**шарҳловчи.**

**Туркиянинг Каппадокия шаҳрида 15-22 апрель кунлари Халқаро сайёҳлик фестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан, жумладан, Ўзбекистондан, юзга яқин сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК БОЗОРИДАГИ НУФУЗИ ТОБОРА ОШМОҚДА

Истиқлол йилларида буюк аждодларимизнинг бой меросини тиклаш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Қадимий меъморий ёдгорликлар, ўзбек маданияти дурдоналари, бетакрор табиатимиз — барчаси бутун дунёдан минглаб сайёҳларни жалб қилаётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан меҳмонхона хўжалиги, сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқлари изчил ривожланмоқда — янги йўналишлар ишлаб чиқилиб, замонавий меҳмонхоналар қурилди, тармоқ инфратузилмаси янада кенгайтирилди. Сайёҳлик соҳасида банд бўлганлар сони, дам олиш масканлари тобора кўпаймоқда. Хусусий бизнеснинг сайёҳлик хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 90 фоизни ташкил этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2010 йилга бориб ўлкамизга келадиган сайёҳлар сони 3,5 баробар ортади. Бунда мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар, солиқ имтиёзлари, соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳити муҳим омил бўлаётир.

Каппадокияда ўтган Халқаро сайёҳлик фестивали мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳиятини намойиш этиш, жаҳон жамоатчилигини юртимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш ҳамда хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятини янада кенгайтирди.

— Кўп асрлик тарих, бетакрор маданият ва анъаналарга эга Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик бозоридаги нуфузи тобора ошмоқда, — дейди Туркиянинг Маданият ва сайёҳлик вазирлиги вакили Иброҳим Язар. — Чунки Ўзбекистон — гўзал маданий ва тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва хушманзара масканларга жуда бой мамлакат. Бу эса сайёҳларнинг диққат-эътиборини жалб этувчи энг муҳим омиллардандир. Юртингиз сайёҳлик фирмалари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Фестиваль кунлари “Ўзбектуризм” миллий компанияси вакиллари мамлакатимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш борасида хорижлик мутахассислар билан батафсил фикр алмашиб, қатор лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Кооперацион биржа:

# МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

***Мамлакатимизда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллиги ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофасини таъминлаш борасида Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.***



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Пойтахтимизда ушбу ҳужжат талаблари асосида “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси томонидан “Кооперацион биржа ва спорт кийимлари ярмаркаси” ташкил этилди. Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган “Седат Трико Тошкент”, “Гунертош”, “Кемсунг” сингари йигирмага яқин ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари иштирок этмоқда.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда “Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибида 200 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 150 таси хорижий сармоя иштирокида ташкил этилган субъектлардир. Жорий йилнинг биринчи чорагида ана шу корхоналар томонидан 193,2 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Экспорт ҳажми эса 92,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда эса хорижий ва маҳаллий инвесторлар иштирокида яна 23 та янги корхона ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, тадбирни ўтказишдан асосий мақсад тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш, алоқаларни мустаҳкамлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, йирик саноат корхоналари билан кичик бизнес субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, биргаликда маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, харид қилиш бўйича келишувларга эришиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш орқали импорт ўрнини босувчи бутловчи қисмлар, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғини оширишдан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, спорт кийимлари намойиш этилаётган стендлар, айниқса, иштирокчилар эътиборини жалб қилмоқда. Бежирим ва 100 фоиз пахтадан тайёрланган сифатли спорт кийимларини кўриб, ҳавасингиз келади. Бундан кўнглингиз ғурурга тўлади.

— Бундай тадбирларнинг аҳамияти беқиёс, — дейди иштирокчилардан бири, “Байтекс” хорижий компанияси менежери Инга Цхай. — Чунки кооперацион биржа жараёнида корхонамиз учун зарур бўлган хом ашё, кимёвий бўёқ ва материаллар, эҳтиёт қисмлар ҳамда бошқа воситалар хусусида тўлиқ маълумотга эга бўлиш билан бирга, эҳтиёжимизга қараб, уларни харид қилиш юзасидан ҳамкорларимиз билан маҳсулот олди-сотдиси бўйича шартномалар имзолашга муваффақ бўлаяпмиз.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



2008 йил — Ёшлар йили

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида “Тараққиётга таҳдид ва миллий манфаатлар” фани якунлари бўйича “Тафаккур синови” беллашуви ўтказилди. Ушбу заковат баҳси ёшларимизнинг дунёқараши кенг ва малакаси юксаклигини яққол намойиш этди.***

# Тафаккур синови

— “Тафаккур синови” тингловчиларимизнинг олган билимларини, фикрлаш тарзи, раҳбарлик қобилияти мезонларини аниқлаб олишга хизмат қилади, — дейди Жамият қурилиши, миллий ғоя ва миллий манфаатлар кафедраси мудири, сиёсий фанлар доктори, профессор Ибодулла Эргашев. — Зотан, тингловчиларимиз бўлғусида эл билан ҳамнафас, уларнинг қувонч ташвишларига бевосита шерик бўладилар. Табиийки, уларнинг етуклиги, фавқулодда содир бўладиган вазиятларда оқилона қарор қабул қила олишга қодирликлари муҳим аҳамият касб этади.

— Мен иқтисодчиман. Мамлакатимизга бултур 4 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция киритилди. Бу сармоя. Асло қарз сифатида олинган эмас, — дейди Бозор иқтисодиёти ва тамойиллари факультети тингловчиси Муроджон Мажидов. — 16 йил ичида импорт ҳисобига кун кечирадиган мамлакатдан, экспорт ҳисобига яшайдиган мамлакатга айландик. Баъзи давлатлар кун кўриш учун ўйламайнетмай қарз олиб, ҳозирда қийналиб қолган. Сабаби, қарз берувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарз бермайди, аммо ўзидан озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни олишга ундаб, қарз сўровчига пул беради. Фоизини эса аста кўпайиб борадиган қилади. Юртбошимиз Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб тенг шерикчиликка асосланган ҳамкорлик, ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳалар бўйича келишувлар — Ўзбекистон манфаатларига тўғри келишини уқтирдилар. Бугун Юртбошимизнинг узоқни кўра билгани, заковати, оқилона сиёсати халқимизнинг бахтини, омадини, тўқ ва хотиржам кунларини таъминлаб берди. “Тафаккур синови” баҳсида ташқи иқтисодий хуружларга, таҳдидларга қандай жавоб бера олишимиз, замонавий ва ватанпарварона фикрлашимиз, эгаллаган билимларимиз, шахсий кўникмаларимиз синовдан ўтади.

— “Аввал иқтисод, кейин сиёсат”, деган нақлда ҳикмат катта, — дейди Давлатлараро муносабатлар факультетининг тингловчиси Фахриддин Ражабов. — Умумжаҳоний муносабатлар тизимида, ер юзининг оғриқли нуқталарида ташаббус, ҳамкорлик, тинчлик ва дўстона алоқалар донишмандона ечимлар, таклифлар орқали қарор топиши ва бу барқарорлик минтақавий таҳдидларга чек қўйиши муқкинлиги айни ҳақиқат. Шу маънода, Президентимизнинг НАТО саммитида сўзлаган нутқида акс этган Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган амалий таклифлари етакчи мамлакатлар раҳбарлари, сиёсий доираларида катта қизиқиш ва эътибор уйғотди. Биз ёшлар бундан фахру ифтихор туйдик, ҳамда катта ибрат олдик. Зеро, жаҳонга юртимизнинг ҳаққоний, гўзал қиёфасини кўрсатиш, бунёдкорлик йўлидаги ютуқларини муфассал ёритиш, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ҳар томонлама тушунтириш бизнинг бўлғуси вазифамиз ва бурчимиздир. Бинобарин, ушбу олий илм даргоҳида ташқи информацион ёлғон-яшиқларга, иғволарга, бўҳтонларга фасоҳат ва тафаккур, билим ва маърифат воситасида жавоб қайтариш малакамизни оширдик. Чунончи, бугунги баҳслар олган сабоқларимизни таҳлил этишда ўзига хос кўзгу бўлди.

Дарҳақиқат, янги минг йилликда мамлакатимиз ва халқимиз улкан мақсад ва вазифаларни бажаришга киришган. Бу нурли келажак, янада обод ва маъмур ҳаёт, гўзал жамият бунёд этишдир. Алалхусус, академия ёшларидаги қатъият, собитлик, ирода ўзига ишонч, ватанга масъуллик ва садоқат ҳисси, айтиш жоизки, бутун ўзбекистонлик ёшларга хос хусусият. Шу боис, академияда бўлиб ўтган жўшқин, фикрлар рангбаранглиги, баҳсу мунозаралар руҳида ўтган “Тафаккур синови” ёшлар заковатининг тантанасига айланиб кетди. Олти қисмдан иборат синов нуфузли ҳайъат аъзоларида ҳам, сиёсатчилар, олимлар, оддий томошабинларда ҳам катта таассурот қолдирди.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ботаника боғлари — табиатнинг жонли музейи. Унинг аҳамиятини бағрида барча минтақаларнинг ўсимлик дунёси намуналари тўплангани-ю, йўқолиб бораётган турларининг сақланиши билангина белгилаб бўлмайди. У ўша ҳудуднинг экологик мусаффолигини таъмин этувчи ажойиб фильтр, беморлар соғлигини тиклашга кўмак берувчи манба ҳамдир.**

# Очиқ ҳаводаги музей



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Ботаника" ИИЧМга қарашли академик Ф. Н. Русанов номидаги "Ботаника" боғи — ана шундай ўхшаши йўқ масканлардан бири. Мазкур боғ Жаҳон ботаника боғлари ассоциацияси томонидан ўсимликларнинг географик жойлаштирилиши бўйича етакчи боғлар сафига киритилган. Дарҳақиқат, 66 гектарлик боғда Марказий Осиё, Европа, Шимолий Америка, Хитой, Япония ҳамда Узоқ Шарқнинг 4500 турдаги ноёб ўсимликлар коллекцияси мавжуд. Улар дунё аҳамиятига молик бўлиб, жумладан, 300 дан зиёди "Қизил китоб"га киритилган камёб ҳамда эндемик турлар ҳисобланади.

— Ҳозир боғимизда 5 та илмий лаборатория, уруғчилик ва уруғшунослик бўлими фаолият кўрсатаяпти, — дейди биз билан суҳбатда боғ директори, биология фанлари номзоди Ҳамро Нуралиев. – Бундан ташқари, бир қатор ихтисослаштирилган участкалар бор. Бу ерда меҳнат қилаётган фидойи мутахассисларнинг изланишлари туфайли мамлакатимиз ўсимлик олами тобора бойиб бораяпти. Чунки бизнинг асосий вазифамиз фойдали ўсимликларни қидириб топиш, уларни интродукция ва иқлимга мослаштиришдан иборат. Яқинда ҳисоблаб чиқдик. Бугунга қадар юртимиз шароитига мослаштирилган ўсимликлар тури 6 мингтадан ошибди. Шунинг 2500 тури дарахт ва бута ҳисобланади. Улар орасида шаҳару хиёбонларимизнинг кўркига-кўрк қўшиб турган лола дарахти, ленкоран акацияси, пирамидасимон эман, йирик баргли жўка, хитой тераги каби манзарали дарахтларнинг 230 дан ортиқ нави бор.

Мутахассисларнинг ҳаёт мазмунига айланиб қолган бу ишни улар игна билан қудуқ қазишга менгзашади. Негаки, у кишидан нафақат илмий салоҳият, балки сабр-тоқатни ҳам талаб этади. Боғ маъмурияти йилига 1,5-2 мингта ўсимлик намунасини олса, шундан атиги 20-30 тасини ўстиришга, мамлакатимиз иқлимига мослаштиришга муваффақ бўлинади. Лекин шунга қарамай, боғнинг 100 нафарга яқин илмий ходим ва ишчилари тушкунликка тушмайди. Аксинча, шунинг ўзиёқ уларнинг ўз касбларига бўлган меҳрини янада оширади. Биргина 2007 йилда кўп йиллик изланишларнинг натижаси ўлароқ, мамлакатимиз флораси 40 га яқин янги тур ва шакл билан бойиди.

Жаҳон ботаника боғлари ассоциациясининг қарорига кўра, дунё ботаника боғлари ўртасида уруғ пулсиз айирбошланади. "Ботаника" боғи 200 дан зиёд ботаника боғлари ва турли илмий ташкилотлар билан доимий алоқа ўрнатган бўлиб, уларга йилига салкам 15 мингта уруғ намунасини тарқатади. Ўз навбатида, улардан ҳам янги намуналар қабул қилади. Тропик ва субтропик ўлкалардан келтирилган уруғлар боғнинг иссиқхона ҳамда оранжереяларида тадқиқ қилиниб, тажрибадан ўтказилади. Айни пайтда бу ерда 800 дан ортиқ навлар парваришланмоқда. Халедория, кокулос, драцена, фатсия каби бир неча ўсимликлар истиқболли деб топилди. Улар қишки боғлар ташкил этишда, ички интерьерларни фитодизайн усулида безашда кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, юкка, гибискус, пирамидасимон дубнинг совуққа чидамли дурагайи, кеч кузгача гуллаб турувчи хилокатальпа яратилди.

## Онажоним — табиат

Боғни айланар эканмиз, айрим дарахтларнинг "кексайган"лиги эътиборимизни тортди.

— Аслида, бу табиий жараён — дейди Ҳ. Нуралиев. — Лекин бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда дарахтларнинг айрим турларида биологик қариш даври тез кечаётгани ҳам айни ҳақиқат. Масалан, Шимолий Америка дарахтлари ўз ҳудудида 200-300 йилгача умр кўрса, бу ерда 50-60 йилда "кексаймоқда". Юзлаб турлар бир жойда парвариш қилинаётган боғларда уларнинг ҳар бири алоҳида эътибор талаб қилади. Чунки тез кўпаядиган дарахтлар ён-веридагиларини сиқиб қўйиши мумкин. Ёки бўлмаса, лиана, туркман маймунжони, ёввойи узум сингари чирмашиб ўсувчи ўсимликлар назорати сусайтирилса, дарахтларни буғиб ташлайди, охир-оқибатда қуришгача олиб келади.

Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли кейинги йилларда боғимиз ҳар томонлама кўркамлашиб бораяпти. Мустақиллик йилларида янги лаборатория ва маъмурий бино қурилди, энг ноёб ўсимликлар питомниги, доривор ўсимликлар участкалари ташкил этилди. Бундан ташқари, янги асбоб-анжомлар сотиб олинди, машина-трактор парки зарур техникалар билан янгиланди. Айни чоғда, боғни ўсимлик оламининг чинакам музейига айлантиришдек эзгу мақсад йўлида меҳнат қилаяпмиз.

Бу йил боғда яна бир янгиликка қўл урилди. Фойдаланилмаётган 2 гектар майдонда "Евросиё" участкаси ташкил этилди. 12 километрлик экскурсия йўлагига эга бу кичик боғимизга энг ноёб ўсимликларнинг 250 дан зиёд тури жойлаштирилди. Бу келувчилар учун катта қулайликдир. Сабаби, 40 гектарлик боғни кезмасдан, шу ернинг ўзида етти иқлим ўсимликларидан баҳра оласиз. Эътиборли жиҳати, бу ерда йилнинг тўрт фаслида ҳам қайсидир дарахт, бута гуллаб, гуллар очилиб туради.

...Тошкентни яхши биладиганларга маълумки, "Ботаника" боғи ҳайвонот боғининг шундоққина ёнида жойлашган. Эътиборимизни тортгани шу бўлдики, ҳайвонот боғига болажонларини етаклаб келгувчилар кўп. Лекин фарзандларини унинг ёнидаги боғга олиб кирувчилар...

Тўғри, бу — ҳар кимнинг хоҳиш-истаги. Қолаверса, боғнинг ошуфталари бусиз ҳам кам эмас. Масалан, 2007 йили хизмат кўрсатиш ва кўчат савдосидан салкам 70 миллион сўм даромад кўрилди. Аммо гап бошқа ёқда. Бугун ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар ўгити билан табиатга ошно тутинган қалблар унинг ҳар бир гиёҳига меҳр қўяди. Ўсимлик дунёсига қизиқиши ортади. Қолаверса, боғ мутасаддилари алоҳида таъкидлаганидек, ана шунда одамларда экологик маданият янада юксалиб, уларнинг атроф-муҳитга етказаётган зарари камаяр...

**Саид РАҲМОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# НАМАНГАНДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

***Наманган яна бир нуфузли спорт беллашувига мезбонлик қилмоқда.***

Вилоят марказидаги «Дўстлик» теннис мажмуасида Халқаро теннис федерацияси (ITF) тақвимига киритилган аёллар ўртасидаги турнирга старт берилди.

Мусобақаларга Россия, Польша, Словакия, АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Испания, Нидерландия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон сингари 12 мамлакатнинг йигирма нафардан ортиқ маҳоратли спортчилари ташриф буюришган. Тантанали очилиш маросимидан кейин ўтказилган саралаш ўйинларида асосий

## Теннис

баҳсларда кортга чиқадиганлар аниқланди. Дастлабки кунги беллашувда болгариялик теннисчи Виктория Емельянова, россиялик Мария Кондратьева ҳамда Украина вакиласи Анастасия Васильеваларнинг қўли баланд келди.

Аёллар халқаро турнирида мамлакатимиз шарафини катта ракетка усталари — Альбина Хабибулина, Алиса Огородова, Влада Экшибарова, Дилёра Саидхўжаева, Александра Колесниченко ҳимоя қилишяпти. Мусобақалар беш кун давом этади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «SMS-пакетлар»:

# МТСДАН ЯНГИ АКЦИЯ!

***Мана GSM тармоғида SMS хизмати пайдо бўлганига 20 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу вақт давомида SMS бир абонентдан бошқа абонентга матнли тезкор хабар юбориш воситасидан ўзининг алоҳида хусусиятлари ва ҳатто ўз тилига эга бўлган мулоқотнинг янги турига айланди.***

Ва мана МТСда яна бир ажойиб янгилик эълон қилинди: Ўзбекистонда айнан SMS мулоқотини севадиганлар учун компания **«SMS-пакетлар»** акцияси ўтказилишини эълон қилди. Бу акция миқёсида компания абонентларига арзон ва қулай нархларда 3 та SMS мажмуасини тақдим этади: **«SMS 60»**, **«SMS 150»**, **«SMS 250»**. Ҳар бири алоҳида нархланадиган анъанавий SMS-хабарлардан **«SMS-пакетлар»**даги хабарларнинг фарқи шундаки, улар абонентлар учун арзонроқ нархланади. Ушбу хабарларни Ўзбекистондаги барча мобил операторлар абонентларига юбориш мумкин.

| Пакет | Пакетдаги SMS-хабарлар сони | Нархи | Пакетни активлаштириш учун USSD-команда |
|---|---|---|---|
| «SMS 60» | 60 | $1 | *111*017*1# |
| «SMS 150» | 150 | $2 | *111*017*2# |
| «SMS 250» | 250 | $3 | *111*017*3# |

Акция амал қилиш муддатида, яъни 15 апрелдан 31 майгача абонентлар ўзларига SMS-пакетларни USSD-команда ёрдамида ёқишлари ва мулоқотдан янада кўпроқ завқ олишлари мумкин. Пакет нархи активлаштиришда абонент ҳисобидан олинади ва тегишли SMS-хабарлардан 30 кун ичида фойдаланилади. Мулоқотни жуда севадиганлар эса бир вақтнинг ўзида иккита пакет ҳам олишлари мумкин.

Демак, «SMS-пакетлар» билан мулоқот янада кўпроқ бўлади! [t]







INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч,13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6